

Мажбурий никоҳ учун қандай жавобгарлик белгиланган?



Никоҳ тузиш учун қуйдаги учта шарт бажарилган бўлиши керак. Булар, бўлажак эр-хотиннинг розилиги, ҳар иккала тарафнинг ҳам никоҳ ёшига етганлиги, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларнинг мавжуд эмаслиги.

Жиноят кодексининг 136-моддасига кўра, аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилиш ёхуд аёлнинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш учун ўғрилаш, шунингдек, аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш —

базавий ҳисоблаш миқдорининг **йигирма беш бараваригача** миқдорда жарима ёки **уч юз олтмиш соатгача** мажбурий жамоат ишлари ёки **уч йилгача** ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модда билан аёлнинг ихтиёрига қарши турган ҳар қандай шахсни, масалан, аёлнинг отаси, онаси, ака-укаси, ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларни, ҳатто эрини (никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилгани учун) жавобгарликка тортиш мумкин.

Жиноят Ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди судяси И.Абраев